

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини “Атроф муҳитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2025 йил 30 январдаги ПФ-16-сон Фармонни ижроси бўйича Энергетика вазирлиги томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида МАЪЛУМОТ

Т/р.	Топшириқ банди ва мазмуни	Муддат	Масъуллар (Энергетика вазирлигидан)	Топшириқ ижро ҳолати	Эришилган Натижа
1.	<p>Фармоннинг 3.1-банд-банди. Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда: 2025 йилда куёш панеллари ва гелиоколлекторларни туман ва шаҳарлар кесимида ўрнатиш дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.</p>	2025 йил 28 февраль	<p>А.Халилов - Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўлими бошлиғи</p>	<p>Бажарилди. Вазирлар Маҳкамасининг “2025 йилда энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси тайёрланиб, Энергетика вазирлигининг 2025 йил 20 февралдаги 04-25-809-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27-февралдаги “2025 йилда энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-77-сон қарори қабул қилинди.</p>	<p>Хозирги кунга қадар 964 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 292 млн куб метр газ тежалиши ва 301,8 минг тонна зарарли газларнинг (CO₂) ҳавога чиқарилиши олди олинди.</p>
2.	<p>Фармоннинг 3.2-банд-банди. Энергетика вазирлиги (Ж.Мирзамахмудов) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда: 2025–2026 йилларда республика ҳудудларида микро гидроэлектр станцияларини қуриш дастурини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.</p>	2025 йил 14 март	<p>С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи</p>	<p>Бажарилди. Энергетика вазирлиги томонидан “Республика ҳудудларида микро ГЭСларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, loyiha.adliya.uz портали орқали Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертиза ҳулосаси олинди. Жорий йил 15 март куни Энергетика вазирлигининг 02-27-509 сон хати билан қарор лойиҳаси Вазирлар Маҳкамасига киритилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялар тармоғини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ-129 сон қарори қабул қилинди.</p>	<p>Республикада яшил иқтисодиётни ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда кичик ва микро гидроэлектр станцияларини қуришга хусусий тадбиркорларни жалб этишга қулай шароит яратиш, мавжуд гидро энергетика салоҳиятидан кенг фойдаланишга эришилмоқда.</p>
3.	<p>Фармоннинг 13.6-банд-банди. 2025 йил якунига қадар қуйидаги вазибаларнинг бажарилишини таъминлашга барча куч ва ресурслар сафарбар этилсин: аҳолини сифатли, экологик тоза ва арзон ёқилғи билан таъминлаган ҳолда АИ – 80 русумли автомобиль ёқилғисидан фойдаланиш ва сотишни чеклаш; республиканинг барча ҳудудларида жойлашган иссиқлик ва электр энергияси</p>	2025 йил 25 декабрь	<p>Ж.Акрамжанов - Нефть-газни қайта ишлаш ва кимё саноатини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси</p> <p>С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими</p>	<p>Бажарилди. б) 1. АИ-80 русумли автобензиндан воз кечиш ва юқори октанли автобензинга ўтиш бўйича чора-тадбирлар режаси тасдиқланиб, Энергетика вазирлигининг 2024 йил 16 декабрдаги 01-16-10478-сон (хдфу) хати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига юборилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси фаолиятини ташкил</p>	<p>1. Аҳолини сифатлироқ, хозирги замонда ишлаб чиқарилаётган автотранспортлар талабига мос ёқилғи билан таъминлашга эришилиши кутилмоқда. 2. Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда куннинг тигиз, табиий газ таъминотида босим пасайган</p>

	ишлаб чиқариш корхоналарига ёқилги сифатида мазутдан фойдаланишни тўлиқ тақиқлаш, бундан авариявий ёқилги сифатида Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигини хабардор қилиб, Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда фойдаланиш ҳолатлари мустасно.		бошлиғи	<p>этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 18 ноябрдаги 343-сон қарори (ПҚ-343-сон)га 6-илованинг 2-банди билан 2025 йил 1 декабрдан бошлаб “Аҳолини сифатли ва экологик тоза ёқилги билан таъминлаган ҳолда АИ-80 бензинини автомобилларга ёқилги қуйиш шохобчаларида сотишни олдини олиш бўйича қатъий назорат ўрнатиш” белгиланди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика истеъмолчиларини ёқилги ресурслари билан узлуксиз ва барқарор нархларда таъминлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” қарор лойиҳаси ишлаб чиқилди ва loiha.adliya.uz тизими орқали вазирлик ва идоралар билан келишилиб, Энергетика вазирлигининг 2025 йил 28 ноябрдаги 01-23-2243-сон хат билан Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда киритилди.</p> <p>Лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг таклиф ва эътирозлари асосида қайта ишланиб 2026 йил 30 январдаги 01-21-36-сон хат билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қайта киритилди</p> <p>2. Республиканинг барча ҳудудларида жойлашган иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарига заҳира ёқилги сифатида мазутдан фойдаланиш ҳолатлари фақатгина магистрал қувурларда табиий газ босими етарли бўлмаган ҳолларда, авариявий ёқилги сифатида Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда амалга оширилмоқда.</p>	пайтларида мазут аҳоли ва иктисодиёт тармоқларини электр ва иссиқлик энергияси билан таъминлаш учун авариявий-заҳира ёқилгиси сифатида ишлатилади. <p>Станцияларда мазут ёқилиши Вазирлар Маҳкамаси назоратида бўлиши, табиий газ ресурсларини ишлатилиши ва экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш янада назорат кучайтирилганлигини билдиради.</p>
4.	<p>Фармоннинг 33-банд-банди.</p> <p>Белгилаб кўйилсинки: Давлат дастурини сўзсиз, сифатли ва тўлиқ амалга ошириш барча даражадаги давлат органлари ва ташкилотларининг биринчи навбатдаги устувор вазифаси ҳисобланади;</p> <p>давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари Давлат дастурида ҳар чорак кесимида тегишли йўналиш ва ҳудуд бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш, назарда тутилган</p>	2025 йил 31 декабрь	<p>Ф.Шарофитдинов – Ёқилги энергетика соҳасини ислоҳ қилиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офиси директори,</p> <p>С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи,</p>	<p>Бажарилди</p> <p>Давлат дастурининг 23, 24 ва 25 бандларига асосан 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мегаваттга етказиш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш ҳамда Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини 120 миллиард кВтга етказиш белгиланган.</p> <p>Шундан 2025 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини 5525 минг мегаваттга (IV чорак - 5525) етказиш, қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами истеъмолдаги улушини 26 (IV</p>	Бугунги кунда электр энергияси ишлаб чиқариш ўрнатилган қувватлари жами 23,5 минг мегаваттга етказилди, шундан қайта тикланувчи энергия манбалари 6,9 минг мегаваттни ташкил этмоқда. (ИЭС – 16,6 ГВт, Гидро – 2,3 ГВт, қуёш – 3,9 ГВт, шамол – 1,65 ГВт). <p>Шундан қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами</p>

	чора-тадбирларни самарали амалга ошириш ва зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ўз вақтида ва пухта ишлаб чиқиш учун шахсан жавобгар бўлади.		А.Халилов - Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўлими бошлиғи, Н.Пулатов - Электр тармоқларини ривожлантириш бўлими бошлиғи	чорак - 26) фоизга етказиш ҳамда электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини 91 миллиард кВтга (шундан I чорак-16; II чорак-25; III чорак-25; IV чорак-25) етказиш белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган (4.07.2025 йил 367-Ф-хдфу-сон) 2025 йил учун электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол баланси кўрсаткичларига мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичи 85.5 млрд кВт соатни ташкил этади. Электр энергиясини ишлаб чиқариш қуввати республиканинг электр энергиясига бўлган талабидан келиб чиқиб, 2025 йил I чоракда 21.9 млрд кВт соатни ҳамда II чоракда 19,7 млрд кВт соатни, III чоракда 21,0 млрд кВт соатни ва IV чоракда 22,4 млрд кВт соатни ташкил этди.	истеъмолдаги улуши 29 фоизни ташкил этди
5.	Фармоннинг 34.3-банд-банди. Давлат ҳокимияти органлари, вазирлик ва идоралар, маҳаллий ижро ҳокимияти органлари “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” ҳаракатининг мазкур банд ижроси бўйича фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашиб борсин.	2026 йил 31 январь	Б.Хикматуллаев – Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи	Бажарилди Давлат дастури ижроси бўйича маълумотлар ҳар ой якуни билан “Тараққиёт стратегияси” маркази ва “Юксалиш” ҳаракатига тақдим этиб келинмоқда. Тараққиёт стратегияси марказига юборилган хатлар: 26.02.2025 й 04-09-897-сон, 27.03.2025 йил 04-09-1437-сон, 24.04.2025 йил 04-09-2155-сон, 22.05.2025 йил 04-09-2786-сон, 24.06.2025 йил 3545-сон, 27.07.2025 йил 04-09-4291-сон, 25.08.2025 йил 02-09-4778-сон; 26.09.2025 йил 02-09-5311-сон, 25.10.2025 йил 02-09-5893-сон, 25.11.2025 йил 02-09-6537-сон, 13.01.2026 йил 02-09-163-сон “Юксалиш” умумиллий ҳаракатига юборилган хатлар: 26.02.2025 й 04-09-892-сон, 27.03.2025 йил 04-09-1438-сон, 24.04.2025 йил 04-09-2142-сон, 22.05.2025 йил 04-09-2785-сон, 24.06.2025 йил 3547-сон, 27.07.2025 йил 04-09-4290-сон, 25.08.2025 йил 02-09-4779-сон, 25.08.2025 йил 02-09-4778-сон; 26.09.2025 йил 02-09-5311-сон, 25.10.2025 йил 02-09-5893-сон, 25.11.2025 йил 02-09-6537-сон, 13.01.2026 йил 02-09-163-сон	Фармон топшириқлари (<i>муддати узайтирилганлардан ташқари</i>) ўз муддатида бажарилди.
6.	Фармоннинг 37.1-банд-банди Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб вазирлик ва идоралар раҳбарлари, Қорақалпоғистон	2025 йил 25 декабрь	Б.Хикматуллаев – Йиғма ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи	Бажарилди Давлат дастури ижросини ташкил этиш юзасидан Энергетика вазирлиги Ҳайъати мажлисининг 2025 йил 13 февралдаги 2-сон баённомаси тасдиқланиб, ижрога қаратилган. Давлат дастурида ижро муддати	Фармон топшириқлари ижроси қатъий назоратган олинаиб, ўз муддатида бажарилишига эришилди.

	Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари белгилансин.			<p>март ойи якуни ва апрель ойида белгиланган чора-тадбирларни бажарилиши юзасидан 2025 йил 4 апрелдаги 01-09/11-сон баённомаси тасдиқланиб ижрога қаратилган.</p> <p>Шунингдек, Давлат дастурида ижро муддати март-июль ойига белгиланган чора-тадбирларнинг бажарилиши ҳамда иккинчи ярим йилликка белгиланган чора-тадбирларнинг сифатли ва ўз муддатида ижросини таъминлашда Энергетика вазирлиги ва тизимдаги ташкилотлар масъулиятини ошириш Энергетика вазирлиги Ҳайъати мажлисининг 2025 йил 7 августдаги 11-сон баённомаси, 2025 йил 27 октябрдаги 17-сон баённомаси тасдиқланиб, ижрога қаратилган.</p> <p>Бундан ташқари, ҳар ҳафтанинг душанба (сешанба) кунлари давлат дастури ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигига ҳамда ҳар ой якуни билан “Тараққиёт стратегияси” маркази ҳамда “Юксалиш” ҳаракатига маълумотлар доимий тақдим этиб келинди.</p>	
7.	<p>4-илова 28.1-банд-банд</p> <p>Иссиқлик станцияларидаги эски ва энергия самарадорлиги паст қурилмаларни босқичма-босқич фойдаланишдан чиқариш (консервация қилиш).</p> <p>1. Иссиқлик электр станцияларидаги маънан ва жисмонан эскирган қурилмаларни фойдаланишдан чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. (2025 йил март)</p>	2025 йил 25 март	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	<p>Бажарилди.</p> <p>Давлат улуши мавжуд иссиқлик электр станцияларидаги энергия сарфи юқори бўлган, консервация қилинадиган ва босқичма-босқич фойдаланишдан чиқариладиган энергия қурилмалари рўйхати бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритилди.</p> <p>Таклифга Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 ноябрдаги 26/1-142 топшириғи билан розилик олинди, ижрога қаратилди.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари гўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги ПҚ–77-сон қарори қабул қилинди.</p> <p>Қарорнинг III боб, 6 банди “д” кичик бандига асосан Иссиқлик станцияларидаги эски ва энергия самарадорлиги паст қурилмаларни босқичма-босқич фойдаланишдан чиқариш (консервация қилиш) рўйхати тасдиқланди.</p>	Ўз ишлаш ресурсини ўтаб бўлган, қурилмалар босқичма-босқич иштан чиқарилиб, самарадорлиги юқори қурилмалар ишга тушиши таъминланади. Бунда асосий ишлаб чиқариш буғ-газ қурилмалари ва газ турбинга қурилмаларига қаратилмоқда. <p><i>Ангрэн ва Талимаржон ИЭСларининг тегишли қурилмалари фойдаланишдан чиқарилди ва "Миллий диспетчерлик маркази" ДУКга ҳамда "Иссиқликтаъминоти" АЖга 2025-йил 30-июнь санаси билан 02-13/334-1-сон хат тақдим этилди.</i></p>
8.	<p>4-илова 28.2-банд-банд</p> <p>Иссиқлик станцияларидаги эски ва энергия самарадорлиги паст</p>	2025 йил 25 май	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими	<p>Бажарилди.</p> <p>“Ангрэн ИЭС” АЖда жисмонан эскирган эски навбатдаги 1,2 сон буғ-турбиналари ҳамда 3-сон</p>	

	<p>қурилмаларни босқичма-босқич фойдаланишдан чиқариш (консервация қилиш).</p> <p>2. Ангрен ИЭСда маънан ва жисмонан эскирган 3-сон қозон ва 1, 2-сон турбина агрегатларини фойдаланишдан чиқариш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш. (2025 йил май)</p>		<p>бошлиғи</p>	<p>қозон агрегатини биринчи навбатда консервация қилиш ва кейинчалик фойдаланишдан чиқариш таклифи 2024 йил 8 ноябрь куни Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>“Ангрен ИЭС” АЖда жисмонан эскирган эски навбатдаги 1,2-сон буғ-турбиналари ҳамда 3-сон қозон агрегатини биринчи навбатда консервация қилиш ва кейинчалик фойдаланишдан чиқариш таклифига Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 13 ноябрдаги 26/1-142 топшириғи билан розилик олинган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2025 йилда энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2025 йил 27 февралдаги ПҚ-77-сон қарорининг 5-илова 2-банди билан “Ангрен ИЭС” АЖда умумий қуввати 107 МВт бўлган 1,2-сон турбогенератор (ТГ), 1,2,3-сон қозон ҳамда 1,2,3-сон градирня 2025 йил 2-чорак якунига қадар фойдаланишдан чиқарилиши белгиланди.</p> <p>“Ангрен ИЭС” АЖда умумий қуввати 107 МВт бўлган 1,2,3 сон қозон ва 1,2 турбина Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги кўмитасининг босим остида ишлайдиган ускуналар рўйхатидан чиқарилди.</p>	
9.	<p>4-илова 29.1-банд-банд</p> <p>Тошкент шаҳридаги 4 та туманда “когенерация” қурилмаларини ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш.</p> <p>1. Лойиҳани амалга ошириш учун ўрганиш ишларини олиб бориш. (2025 йил март)</p>	2025 йил 25 март	<p>С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 20 январдаги 23-сон қарорига мувофиқ, Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти сўнгги нукталарида жойлашган 11 та маҳаллаларда (Чилонзор, Олмазор, Сергели, Мирзо-Улуғбек, Янгиҳаёт, Яшнобод, Яккасарой, Учтепа, Шайхонтохур, Миробод ва Юнусобод туманлари) когенерация технологияларини жорий этиш кўзда тутилган.</p> <p>“Иссиқлик электр станциялари” АЖ томонидан Чилонзор ва Олмазор туманларида когенерация станциялари ишга туширилди ва Сергели гуманидаги станциясида асосий қурилмаларни монтаж ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Мирзо-Улуғбек, Янгиҳаёт, Яшнобод, Учтепа ва Яккасарой туманларида янги когенерация марказларини қўриш лойиҳалари 2025-2026 йиллар давомида Давлат хусусий шериклик (ДХШ)</p>	<p>Тошкент шаҳар аҳолиси кўшимча электр энергияси ва иссиқлик энергияси билан таъминланади.</p> <p>Бу қурилмалар замонавий бўлиб, фойдали иш коэффициенти 80 фоиздан юқорини ташкил этади. Тошкент шаҳар аҳолиси кўшимча йилига 1527 млн кВт-соат электр ва 1092 минг Гкал иссиқлик билан энергияси билан таъминланади.</p>

				гамойиллари асосида амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, 2025 йил бошидан инвестор компаниялар билан ўрганиш ишлари олиб борилди.	
10.	4-илова 29.2-банд-банд Тошкент шаҳридаги 4 та туманда “когенерация” қурилмаларини ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш. 2. Лойиҳани амалга ошириш бўйича инвесторлар билан музокаралар ўтказиш. (2025 йил апрель)	2025 йил 25 апрель	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	Бажарилди. Лойиҳани ДХШ асосида амалга ошириш бўйича 7 та хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказилди. Лойиҳаларни амалга учун ўтказилган музокаралар натижасида Туркиянинг “Pales Mühendislik Yatirimlari San.Tic.A.Ş”. ва “Şekerci Endüstriyel İç ve Dış Tic.Ltd.” компанияси билан битим имзолаш учун 2025 йил 31 мартда белгиланган тартибда таклиф киритилди.	Тошкент шаҳар аҳолиси қўшимча электр энергияси ва иссиқлик энгергияси билан таъминланади. Бу қурилмалар замонавий бўлиб, фойдали иш коэффициентини 80 фоиздан юқорини ташкил этади. Тошкент шаҳар аҳолиси қўшимча йилига 1527 млн кВт·соат электр ва 1092 минг Гкал иссиқлик билан таъминланади.
11.	4-илова 29.3-банд-банд Тошкент шаҳридаги 4 та туманда “когенерация” қурилмаларини ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш. 3. Лойиҳани амалга ошириш учун Инвесторлар билан тегишли битимларни имзолаш. (2025 йил май)	2025 йил 25 август	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	Бажарилди. 2025 йил 25 октябрда “Тошкент иссиқлик маркази” МЧЖ ва “Pales Mühendislik Yatirimlari San.Tic.A.Ş”. ва “Şekerci Endüstriyel İç ve Dış Tic.Ltd.” компаниялари билан электр энергиясини сотиб олиш битимлари имзоланди.	Тошкент шаҳар аҳолиси қўшимча электр энергияси ва иссиқлик энгергияси билан таъминланади. Бу қурилмалар замонавий бўлиб, фойдали иш коэффициентини 80 фоиздан юқорини ташкил этади. Тошкент шаҳар аҳолиси қўшимча йилига 1527 млн кВт·соат электр ва 1092 минг Гкал иссиқлик билан таъминланади.
12.	4-илова 29.4-банд-банд Тошкент шаҳридаги 4 та туманда “когенерация” қурилмаларини ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш. 4. Лойиҳани амалга ошириш учун Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш. (2025 йил июль)	2025 йил 25 октябрь	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	4. Бажарилмоқда. (Муддати узайтирилган) Умумий электр қуввати 203 МВт ва иссиқлик қуввати 177,6 Гкал бўлган жами 8 та лойиҳани (Мирзо Улуғбек, Янгихаёт, Яшнобод, Учтепа, Яккасарой, Шайхонтохур, Юнусобод (11 ва 13 -даҳа) туманлари) давлат хусусий шериклиги асосида амалга ошириш бўйича 7 та хорижий компаниялар Mundis Enerji Yatirimlari, BGM Mühendislik Endüstriyel Uygulamalar San.ve Tic.A.Ş., Novazet Endüstriyel Ürünler San.ve Tic.A.Ş, Sarus Enerji Üretimi Anonim Şirketi, “Pales Mühendislik Yatirimlari San.Tic.A.Ş”, “Sekerci Endustriyel Ic ve DIS TIC” ва “Iltekno ileri teknoloji muhendislik ve ticaret anonim sirketi” билан музокаралар ўтказилган. Лойиҳани амалга учун ўтказилган музокаралар натижасида Туркиянинг “Pales Mühendislik Yatirimlari San.Tic.A.Ş” ва “Sekerci Endustriyel Ic ve DIS TIC” компаниялари томонидан жозибадор таклифлар	Тошкент шаҳар аҳолиси қўшимча электр энергияси ва иссиқлик энгергияси билан таъминланади. Бу қурилмалар замонавий бўлиб, фойдали иш коэффициентини 80 фоиздан юқорини ташкил этади. Тошкент шаҳар аҳолиси қўшимча йилига 1527 млн кВт·соат электр ва 1092 минг Гкал иссиқлик билан таъминланади.

				<p>берилди. Бунга кўра, 2 та компания биргаликда 203 МВт – электр, 177,6 Гкал – иссиқлик қувватига тенг жами 8 та когенерация лойиҳаларини (Янгиҳаёт, Яшнобод, Мирзо Улуғбек, Учтепа, Яккасарой, Шайхонтохур туманларида биттадан ва Юнусобод туманида 2 та) ДХШ асосида амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.</p> <p>Мазкур лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан 2025 йил 31 март куни Энергетика вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига таклиф киритилган. Мазкур топшириқ ижросини 2025 йил 25 августга қадар узайтириш юзасидан Энергетика вазирлигининг 2025 йил 20 майдаги 04 -27 -856 сон хати Адлия вазирлиги ҳамда 2025 йил 21 майдаги 04 -27 -2750 - сон хати Ҳукумат комиссиясига юборилди.</p> <p>Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 июндаги 26/1 - 378 -сон ҳдфу топшириғига асосан 4 та туманда когенерация қурилмаларни ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш учун Инвесторлар билан тегишли битимларни имзолаш муддати 3 ойга узайтириш топшириғи берилди. Топшириқ ижро муддати 2025 йил 4 сентябрга қадар узайтирилди (Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириқлари, 2025 йил 4 июнь, 26/1-378-сон).</p> <p>Бугунги кунда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган ва loyiha.adliya.uz портали орқали ТСТБ хулосаси олинган ва ўрнатилган тартибда loyiha.adliya.uz портали орқали вазирлик ва идораларга киритиш учун тайёрланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2025 йил 18 декабрдаги 26/1 -378 -сон топшириғига асосан 2026 йил 25 июль кунига қадар узайтирилди.</p>	
13.	<p>4-илова 29.5-банд-банд</p> <p>Тошкент шаҳридаги 4 та туманда “когенерация” қурилмаларини ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш.</p> <p>5. Қурилиш ишларини бошлаш ва фойдаланишга топшириш. (2025 йил</p>	2025 йил 25 декабрь	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	<p>5. Бажарилмоқда. (Муддати узайтирилган)</p> <p>Тошкент шаҳридаги 4 та туманда “когенерация” қурилмаларини ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш мақсадида: Лойиҳани амалга ошириш учун жойига чиққан ҳолда ўрганиш ишлари олиб борилди.</p>	

	август–декабрь)			<p>Лойиҳани ДХШ асосида амалга ошириш бўйича 7 та хорижий компаниялар билан музокаралар ўтказилди. Лойиҳаларни амалга учун ўтказилган музокаралар натижасида Туркиянинг “Pales Mühendislik Yatirimlari San.Tic.A.Ş”. ва “Şekerci Endüstriyel İç ve Dış Tic.Ltd.” компанияси билан битим изолаш учун Бош вазир имзоси (31.03.2025 йил) билан Ўзбекистон Республикаси Президентига таклиф киритилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 4 июндаги 26/1-378-сон хдфу топширигига асосан 4 та туманда когенерация қурилмаларни ишга тушириш лойиҳасини амалга ошириш учун Инвесторлар билан тегишли битимларни имзолаш муддатини узайтириш топшириғи берилди.</p> <p>2025 йил 25 октябрда “Тошкент иссиқлик маркази” МЧЖ ва “Pales Mühendislik Yatirimlari San.Tic.A.Ş”. ва “Şekerci Endüstriyel İç ve Dış Tic.Ltd.” компаниялари билан электр энергиясини сотиб олиш битимлари имзоланди. Лойиҳани амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарор лойиҳаси ишлаб чиқилган ва loyiha.adliya.uz портали орқали ТСТБ хулосаси олинган. Бугунги кунда қарор лойиҳасини вазирлик ва идораларга кўриб чиқиш ва келишиш учун киритилмоқда. Қарор лойиҳаси ўрнатилган тартибда вазирлик ва идоралар билан келишилганидан сўнг, Адлия вазирлигидан ҳуқуқий экспертиза хулосаси олинади ва Вазирлар Маҳкамасига киритилиши таъминланади. Лойиҳа доирасида Ҳукумат қарор лойиҳаси қабул қилинганидан сўнг, қурилиш-монтаж ишлари бошланади. Энергетика соҳасини ривожлантириш ва соҳага инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи комиссияси йиғилишининг 2025 йил 28 октябрдаги 97-сон баёни 61-бандига асосан топшириқ муддати 2026 йил 31 декабрга қадар узайтирилган. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2025 йил 18 декабрдаги 26/1-378-сон топшириқ хатига мувофиқ мазкур топшириқ ижро муддати 2026 йил 31 июлга қадар узайтирилган.</p>	
14.	<p>4-илова 31-банд-банд Республика бўйича янги генерация қувватларини ишга тушириш. Умумий қуввати 4,5 ГВт бўлган йирик</p>	2025 йил 25 ноябрь	<p>Ф.Шарофитдинов – Ёқилғи энергетика соҳасини ислоҳ қилиш ва давлат-хусусий</p>	<p>Бажарилмоқда. (Муддати узайтирилган) Республика бўйича янги генерация қувватларини ишга тушириш мақсадида 2025 йилда умумий қуввати 3763 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари,</p>	<p>2025 йилда жами 1413 МВт бўлган <u>қуёш фотоэлектр станциялари</u> ишга туширилиш эвазига 6182,5 млн кВтсоат</p>

<p>куёш ва шамол электр станциясини ишга тушириш, қуввати 785 мегаватт бўлган куёш панелларини ўрнатиш, қуввати 225 мегаватт бўлган гидроэлектр станцияларини барпо этиш ва 1782 мегаватт энергия сақлаш тизимини ишга тушириш. (2025 йил ноябрь–декабрь)</p>		<p>шерикликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офиси директори, С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, А.Халилов - Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўлими бошлиғи</p>	<p>қуввати 752 МВт шамол электр станциялари ҳамда умумий қуввати 1782 МВт бўлган электр энергиясини сақлаш тизимлари қурилиши режалаштирилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика ҳудудларида микро гидроэлектр станциялар тармоғини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 28 мартдаги ПҚ–129-сон қарори қабул қилинди. 2025 йилда қуввати 785 мвт бўлган куёш панелларини ўрнатиш юзасидан вилоятлар ва туман (шаҳар)лар кесимида ўрнатиш дастури ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг “2025 йилда энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш тўғрисида” 2025 йил 8 апрелдаги 205-сон қарори билан тасдиқланди.</p> <p>Йирик куёш ва шамол электр станциялари бўйича 15 та қуввати 3930 МВт бўлган куёш фотоэлектр станциялари ҳамда 5 та лойиҳа қуввати 1652 МВт шамол электр станциялари ҳисобот даврига қадар тўлиқ ишга туширилди.</p> <p>Бугунги кунда, Тошкент вилоятида қуввати 263 МВт (“China Datang Overseas Investment” (ХХР)), Бухоро вилоятида қуввати 250 МВт (“Masdar” БАА), Хоразм вилоятида қуввати 100 МВт (“Voltalia” Франция), Жиззах вилоятида қуввати 500 МВт (“СЕЕ, China Huadian”) ва Навоий вилоятида қуввати 300 МВт (“Sinoma”), Самарқанд вилояти 220 МВт, Жиззах вилояти 220 МВт, Сурхондарё вилояти 457 МВт (“Masdar” БАА), Наманган вилояти 500 МВт (“Hyper Partner” Германия), Тошкент вилояти Юкоричирчиқ туманида 200 МВт “ACWA Power” (С.Арабистони), Бухоро вилояти 500 МВт, Қашқадарё вилояти 500 МВт “China Energy Overseas Investment” (ХХР), Самарқанд вилояти 20 МВт “Тепелен Group” (БАА), Самарқанд вилояти 100 МВт “Total Energies” (Франция), Навоий вилояти 100 МВт “Masdar” (БАА) компаниялари томонидан куёш фотоэлектр станциялари ишга туширилди.</p> <p>Бухоро вилояти Гиждувон туманида, қуввати 552 МВт, Пешку туманида 500 МВт, Томди туманида 500</p>	<p>электр энергияси ишлаб чиқарилди.</p> <p>1648,2 млн метр куб газ иқтисод қилинди.</p> <p>2596,6 млн тонна экологияга зарарли чиқиндилар чиқишни олди олинди.</p> <p>752 МВт шамол электр станцияси ишга тушириш эвазига 4245,4 млн кВтсоат электр энергияси ишлаб чиқарилди.</p> <p>1132,1 млн метр куб газ иқтисод қилинди.</p> <p>1783,1 млн тонна экологияга зарарли чиқиндилар чиқишни олди олинди.</p> <p>1147 МВт электр энергиясини сақлаш қувватлари ишга туширилди.</p> <p>Республикада яшил иқтисодиётни ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳамда кичик ва микро гидроэлектр станцияларини қуришга хусусий тадбиркорларни жалб этишга қулай шароит яратиш, мавжуд гидро энергетика салоҳиятидан кенг фойдаланишга эришилади.</p> <p><i>Маълумот учун. Тижорат банклари кредит линиялари ҳисобидан буюртмачиларга маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан зарур қурилиш материаллари, буюмлар, технологик ускуна ва жиҳозларни ҳамда хизматларни харид қилиш учун миллий валютада</i></p>
---	--	---	---	--

			<p>МВт ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 100 МВт (“ACWA Power” (С.Арабистони)) компанияси томонидан ШЭСлар ишга туширилди.</p> <p>Электр энергияларини сақлаш тизимларини куриш бўйича</p> <p>Энергиясини сақлаш тизими жами 11 та умумий қуввати 1 447 МВт ишга туширилди.</p> <p>Андижон вилояти Асака туманида 250 МВ, Фарғон вилояти Ўзбекистон туманида 150 МВт, Тошкент вилояти Пискент туманида 100 МВт, Тошкент вилояти Паркент туманида 100 МВт, Тошкент вилояти Охангарон туманида 100 МВт, Наманган вилояти Поп туманида қуввати 100 МВт, Уйчи туманида 100 МВт “China Energy Overseas Investment” (ХХР), Бухоро вилоятида 63 МВт (“Masdar” БАА), Тошкент вилоятида қуввати 334 МВт (“ACWA Power” (Саудия Арабистони)), 150 МВт (“Eaglerise Development НК Company”(ХХР).</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2025 йил 18 декабрдаги 26/1-378-сон топшириғига асосан 2026 йил 25 июль кунига қадар узайтирилди.</p> <p>ГЭСлар бўйича.</p> <p>Умумий ҳисобда 2025 йилда республика бўйича 168,2 МВт қувватли 6 та гидроэлектр станциялар ишга туширилди.</p> <p>Мини ГЭСлар бўйича.</p> <p>Ҳозирда, 1572 та лойиҳа “e-auction” платформаси орқали аукцион савдоларига чиқарилди. Шундан 734 та лойиҳани аукцион ғолиби аниқланди ҳамда лойиҳалаш ва курилиш ишлари бошланди.</p> <p>Шунингдек, жами 60 та микро ГЭСлар ишга туширилди. Шундан 37 та (26,5 МВт) микро ГЭС “Ўзбекгидроэнерго” АЖ томонидан, 23 та (14,2 МВт) микро ГЭС эса тадбиркорлик субъектлари томонидан ишга туширилган бўлиб, умумий қуввати 40,8 МВтни ташкил этади.</p> <p>Қуёш панелларини ўрнатиш.</p> <p>2025 йилда қуввати 784,9 МВт бўлган қуёш панелларини ўрнатиш юзасидан вилоятлар ва туман(шаҳар)лар кесимида мақсадли кўрсаткичлар</p>	<p><i>3 йилгача имтиёзли давр билан 10 йил муддатгача йиллик 12 фоиз ставкада кредитлар ажратилиши таъминланади.</i></p> <p>Бу орқали, ҳозирги кунга қадар 964 млн кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиб, 292 млн куб метр газ тежалиши ва 301,8 минг тонна зарарли газларнинг (CO₂) ҳавога чиқарилиши олди олинди.</p>
--	--	--	---	--

				<p>ишлаб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 апрелдаги “2025 йилда энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш тўғрисида” 205-сон қарори билан тасдиқланди.</p> <p>Топшириқ билан белгиланган кўрсаткичлар ижроси юзасидан йил бошидан бугунги кун ҳолатига қадар республика бўйича жами 1025,31 МВт қуёш панеллари ўрнатилган. Шундан:</p> <p>Ижтимоий соҳа ва давлат идораларида – 127,7 МВт; Маҳаллий тадбиркорлик субъектларида – 623,4 МВт; Аҳоли хонадонларида – 260,9 МВт; Кўп қавватли уйларда – 13,31 МВт қувватли қуёш панеллари ўрнатилгани маълум қилинади.</p>	
15.	<p>5-илова 20-банд-банд</p> <p>Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички бозорга импорт қилинган дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ ва автобензин маҳсулотларини ягона бозор тамойили асосида фақат биржа савдолари орқали сотиш тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси.</p> <p>Импорт қилинган ёқилғи маҳсулотларини биржа савдолари орқали сотиш мажбуриятини жорий қилиш.</p> <p>Импорт қилинган ёқилғи маҳсулотлар сотилишида уларнинг нархлари асосиз оширилганлиги ёки пасайтирилиши ҳолатларини аниқлаш механизмларини жорий қилиш.</p> <p>(2025-йил ноябрь)</p>	2025 йил 25 ноябрь	<p>Ж.Акрамжанов - Нефть-газни қайта ишлаш ва кимё саноатини ривожлантириш бўлими</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Мулкчилик шаклидан қатъий назар барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ички бозорга импорт қилинган дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ ва автобензин маҳсулотларини ягона бозор тамойили асосида фақат биржа савдолари орқали сотиш тартиби бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича тегишли чора-тадбирлар олиб борилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика истеъмолчиларини ёқилғи ресурслари билан узлуксиз ва барқарор нархларда таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Лойиҳа вазирликлар билан келишилди. Лойиҳа юзасидан Адлия вазирлигининг ижобий ҳуқуқий экспертиза хулосаси олинди. Лойиҳа Энергетика вазирлиги томонидан 2025 йил 30 ноябрда Вазирлар Маҳкамасига киритилди (01-23-2243-сон хат). Лойиҳа 2025 йил 2 декабрда вазирликка қайта ишлаш учун қайтарилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2025 йил 23 декабрдаги 26/1-378-сон топшириқ хатига мувофиқ мазкур топшириқ ижро муддати 2026 йил 1 мартга қадар узайтирилган.</p> <p>Лойиҳа Вазирлар Маҳкамасининг таклиф ва эътирозлари асосида қайта ишланиб Энергетика вазирлигининг 2026 йил 30 январдаги 01-21-36-сон</p>	<p>Ўзбекистонда ёқилғи бозорини янада эркинлаштириш, шаффофлаштириш, рақобатбардошлигини ошириш натижасида Республика истеъмолчи-ларини ёқилғи ресурслари билан узлуксиз ва барқарор нархларда таъминлашга эришилиши кутилмоқда.</p>

				хати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига қайта киритилди.	
16.	6-илова 23-банд-банд 2030 йилга келиб қайта тикланувчи энергия манбаларини 25 минг мегаваттга етказиш. Ўлчов бирлиги - минг МВт; 2025 йил - 5525; IV чорак - 5525	2025 йил 31 декабрь	Ф.Шарофитдинов – Ёқилги энергетика соҳасини ислоҳ қилиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офиси директори, С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, А.Халилов - Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўлими бошлиғи	Бажарилди. Бугунги кунда электр энергияси ишлаб чиқариш ўрнатилган қувватлари жами 25,8 минг мегаваттга етказилди, шундан қайта тикланувчи энергия манбалари 8 минг мегаваттга ташкил этмоқда. (ИЭС – 17,5 ГВт, Гидро – 2,4 ГВт, қуёш – 3,9 ГВт, шамол – 1,6 ГВт). 2025 йилда жами 1413 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари, 752 МВт шамол электр станцияси ишга тушириди. Шунингдек, 2025 йилда жами қуввати 168 МВт бўлган 6 та ГЭСлар ишга туширилди.	Яшил энергия қувватларидан фойдаланиш ҳисобига жами 7,4 млрд куб метр табиий газни тежаш ва 6 млн тонна зарарли газлар (CO ₂) ташланмасини атмосферага чиқаришни олдини олиш имконияти яратилди.
17.	6-илова 24-банд-банд Қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами истеъмолдаги улушини 40 фоизга етказиш. Ўлчов бирлиги - фоиз; 2025 йил - 26; IV чорак - 26	2025 йил 31 декабрь	Ф.Шарофитдинов – Ёқилги энергетика соҳасини ислоҳ қилиш ва давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш бўйича лойиҳа офиси директори, С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, А.Халилов - Қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш бўлими бошлиғи	Бажарилди. Бугунги кунда электр энергияси ишлаб чиқариш ўрнатилган қувватлари жами 23,5 минг мегаваттга етказилди Шундан қайта тикланувчи энергия манбаларининг жами истеъмолдаги улуши 29 фоизни ташкил этди.	Қайта тикланувчи энергия манбалари 2025 йилда генерацияда улуши 21 фоизга қувватдаги улуши 30 фоизга етказилди. Яшил энергия қувватларидан фойдаланиш ҳисобига жами 7,4 млрд куб метр табиий газни тежаш ва 6 млн тонна зарарли газлар (CO ₂) ташланмасини атмосферага чиқаришни олдини олиш имконияти яратилди.
18.	6-илова 25-банд-банд Электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳажмини 120 миллиард кВтга етказиш. Ўлчов бирлиги - миллиард кВт соат; 2025 йил - 91,0; I чорак - 16; II чорак - 25;	2025 йил 31 декабрь	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи, Н.Пулатов - Электр тармоқларини ривожлантириш	Бажарилди. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан тасдиқланган (4.07.2025 йил 367-Ф-хдфу-сон) 2025 йил учун электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол баланси кўрсаткичларига мувофиқ электр энергиясини ишлаб чиқариш прогноз кўрсаткичи 85.5 млрд кВт	Республика истеъмолчиларини узлуксиз электр энергиясига бўлган талабни қондиришга эришилади

	III чорак- 25; IV чорак - 25		бўлими бошлиғи	соатни (шундан I чорак-21,9 млрд. кВт.соат, II чорак-19,7 млрд. кВт.соат, III чорак-21,1 млрд. кВт.соат, IV чорак-22,8 млрд. кВт.соат) ташкил этади. Электр энергиясини ишлаб чиқариш қуввати республиканинг электр энергиясига бўлган талабидан келиб чиқиб, 2025 йил I чоракда 21.9 млрд кВт соатни ҳамда II чоракда 19,7 млрд кВт соатни, III чоракда 21,0 млрд кВт соатни ва IV чоракда 22,4 млрд кВт соатни ташкил этди.	
19.	16-илова 19-банд-банд Энергетика соҳасида сув таъминотининг айланма тизимини кенг жорий этиш. Сув таъминотининг айланма тизимини кенг жорий этишни таъминлаш ва унинг умумий сув истеъмолидаги улушини 30 фоизга етказиш.(2025 йил давомида)	2025 йил 25 декабрь	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	Бажарилди. Жорий йилнинг январь-декабрь ойларида айланма тизим жорий қилинган станцияларнинг умумий сув истеъмолидаги улуши 30,3 % ташкил этди. Мазкур топшириқ юзасидан Энергетика вазирлигининг жорий йил 15 декабрдаги 04-27-2334 сон хати Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлигига юборилди.	Глобал иқлим ўзгариши, мамлакатимизда аҳоли сонининг ўсиши, миллий иқтисодиёт турли тармоқларининг жадал ривожланиши ва уларнинг сувга бўлган талабининг ўсиши туфайли республикада сув ресурсларининг тақчиллиги йилдан-йилга ортиб боришини ҳисобга олган ҳолда сув ресурслари мақсадли сарфланига эришилади.
20.	16-илова 20-банд-банд Газ конларида метан газининг сизиб чиқишини олдини олиш. Газ конларида метан газининг сизиб чиқишини аниқлашда ЛДАР (Leak Детестион анд Репаир) технологияларини жорий этиш, бунда: газ конларида метан сизиб чиқишини масофадан зондлаш ва учувчисиз учиш аппаратларига асосланган замонавий таҳлилий тизимлар орқали аниқлаш; аниқланган сизиш жойларини зудлик билан таъмирлаш амалиётини жорий қилиш.(2025 йил декабрь)	2025 йил 25 декабрь	С.Рахимов - Геология ва углеводородларни қазиб чиқариш бўлими бошлиғи	Бажарилди. Газ конларида метан газининг сизиб чиқишини олдини олиш. Амалга ошириш механизми: Газ конларида метан газининг сизиб чиқишини аниқлашда LDAR (Leak Detection and Repair) технологияларини жорий этиш, бунда: газ конларида метан сизиб чиқишини масофадан зондлаш ва учувчисиз учиш аппаратларига асосланган замонавий таҳлилий тизимлар орқали аниқланди; аниқланган сизиш жойларини зудлик билан таъмирлаш амалиёти жорий қилинди. Лойиҳа доирасида Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасининг Кўкдумолок, Алан, Зеварди ва Помук конлари ҳамда комплексларида 655 та газ сизиб чиқиш нукталари аниқланди. Метан сизиб чиқишларини бартараф этиш учун қувур арматуралари (задвижка, клапан ва бошқалар) етказиб берилиб тўлиқ алмаштирилди ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Ушбу ишларни	Бажарилмоқда Лойиҳанинг 2- босқичи доирасида аниқланган газ сизиб чиқиш нукталари бўйича: Шўртан ва Газли НГҚЧБ да 263 та утечка; Uz-Gaz Projects МЧЖ конларида 69 та утечка; Шўртан ГKM да 10 та утечка бартараф этилди. Хозирги кунда Устюрт ГҚЧБ, Муборак ГҚИЗ ва Муборак НГҚЧБ бўйича утечкаларни аниқлаш ишлари давом эттирилмоқда. Барча бошқарма ва конларда ишлар режа-жадвалга мувофиқ, газ қазиб

				<p>амалга ошириш учун VEMA SA компанияси томонидан 10,4 млрд сўм молиялаштирилди. Натижада метан эмиссиясини 17 млн куб м (337 минг тн CO2 экв) миқдорида қисқартиришга эришилди.</p> <p>Лойиҳани халқаро углерод бирликлари бозорида рўйхатдан ўтказиш учун техник хужжатлар “Muller-BBM Cert Umweltgutachter GmbH” (Германия) мустақил ташкилоти томонидан валидация қилинди, Германиянинг эмиссия савдо органи “DEHSt” дан муваффақиятли рўйхатдан ўтказилди ҳамда эришилган натижаларга “TUV NORD CERT GmbH” (Германия) ташкилотининг дастлабки верификация ижобий хулосаси олинди.</p> <p>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан Энергетика вазирлигининг 2025 йил 23 ноябрдаги 03-21-6493-сон хати билан Вазирлар Маҳкамасига юборилди. Топшириқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги ва Ҳисоб палатаси томонидан назоратдан ечилди.</p>	<p>чиқариш жараёнига таъсирсиз, жорий ва режали таъмирлаш ишлари давомида амалга ошириш келишилган.</p>
21.	<p>16-илова 21.1-банд-банд</p> <p>Атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатувчи кўмир ва мазут ёқилғисида фаолият олиб борувчи иссиқлик ва электр энергия ишлаб чиқариш корхоналарини чанг-газ тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш.</p> <p>1. Кўмир ва мазут ёқилғисида фаолият олиб борувчи иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш корхоналарининг устувор турғун манбаларини чанг-газ тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш бўйича 2025–2028 йилларга мўлжалланган дастурни ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасида тасдиқлаш.(2025 йил февраль)</p>	2025 йил 25 февраль	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	<p>Бажарилди.</p> <p>Кўмир ва мазут ёқилғисида фаолият олиб борувчи иссиқлик ва электр энергиясини ишлаб чиқариш корхоналарининг устувор турғун манбаларини чанг-газ тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш бўйича 2025-2028 йилларга мўлжалланган дастур ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан жорий йил 4 март куни 26/1-378 сон билан тасдиқланди ва ижрога қаратилган.</p>	<p>Экологик муҳитни яхшилаш ва атмосфера ҳавосига ташланаётган ташламаларни қисқартирилади.</p> <p>Газ тозалаш қурилмасида тутун газларининг тезлигини ошириш газ-ҳаво тракти (ГХТ) ва қозонхонанинг ёниш камерасига яхшиланилади. Совуқ ҳаво сўрилиши яхшиланиб, тутун сўргич қурилмаларининг хаддан ортиқ юклама билан ишлаши олди олинади.</p>
22.	<p>16-илова 21.2-банд-банд</p> <p>Атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатувчи кўмир ва мазут ёқилғисида фаолият олиб борувчи иссиқлик ва электр энергия ишлаб чиқариш корхоналарини чанг-газ тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш.</p>	2025 йил 25 декабрь	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	<p>2.Бажарилмоқда. (2025 йилга белгиланган ишлар бажарилди).</p> <p>ИЭС ва ИЭМ лар кесимида дастур ишлаб чиқилган бўлиб, тасдиқланган дастур асосида биринчи навбатда республиканинг йирик шаҳарларига яқин бўлган иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарини чанг-газ</p>	

	<p>2. Тасдиқланган дастур асосида биринчи навбатда республиканинг йирик шаҳарларига яқин бўлган иссиқлик ва электр энергияси ишлаб чиқариш корхоналарини чанг-газ тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш.(2025-2028-йиллар)</p>			<p>тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.</p> <p>Жумладан, "Huahang Energy Development Co.Ltd" компанияси билан "Тошкент ИЭС" АЖда ўртасида шартнома шартларига асосан 1-сон энрегоқурилмага тажриба синов тариқасида фильтр қурилмаси ўрнатилди (25 октябр 2025 йил). Фильтр ўрнатиш натижасида атмосферага ташланадиган тутун газлари таркибида қаттиқ заррачалар концентрацияси 6 мг/м³ гача камаяди.</p>	
23.	<p>16-илова 21.3-банд-банд</p> <p>Атмосфера ҳавосига салбий таъсир кўрсатувчи кўмир ва мазут ёқилғисида фаолият олиб борувчи иссиқлик ва электр энергия ишлаб чиқариш корхоналарини чанг-газ тозалаш ускуналари билан жиҳозлаш.</p> <p>3. Амалга оширилган ишлар бўйича Вазирлар Маҳкамаси ва Экология вазирлигига ҳар чорақда маълумот такдим этиб бориш.(Хар чорақда)</p>	2025 йил 30 декабрь	С.Анваров - Электр энергиясини ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи	<p>3. Бажарилди</p> <p>Жорий йил 9 декабрда Вазирлар Маҳкамаси ва Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирилигига 04-27-2280-сон хати билан 12 ой давомида амалга оширилган ишлар бўйича маълумотлар юборилди.</p>	